

Оғриқ

БИР КУНЛИК ДАБДАБА ЎТАДИ КЕТАДИ, КЕЙИН-ЧИ?!

Кўчкор НОРҚОБИЛ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, "Инсон ва қонун" газетаси бош муҳаррири:



— Катта муаммолар қачон етилади? Ўз-ўзидан вужудга келиб қоладики? Лоп этиб қаршимизда де-вордай пайдо бўлиб, унга пешонамиз урилгандан кейин ўз хатоларимизни тушуниб етиш қимматга тушмайди? Агар бу оғриқ жамиятга зиён етказса-чи? Шундай бўлиб келди-ку... Гап тўй ҳақида кетяпти. Ўзбекининг тўйи ҳақида. Бу муаммо ҳоли-амволимизга қарамаганимиз боис ҳар биримизни битта-битталаб уриб, доврида келаётганини билиб-билмасликка олиб яшамасдик? Тўғри, тўй деса хуш хушвақтлик деб қабул қилардиқ, лекин бу оғриқ — унинг харажати юки ичимизни қириб ўтарди. Жуда кўпчилигимизда шундай бўларди. Кўпчилигимизни тўйнинг қувончидан сўнг ҳасратти эзарди. Худди тўй учун яшагандай, топганимизни бир кунда сочиб, эртасига гандраклаб тураверамиз. Бу бир арзон ҳою ҳавас эди, йўқ, хасталик эди. Ақлсизлик, кўра-била туриб ўзни ўтга, қарз-ҳавола ўтига ташлаш эди.

Хар нарсанинг охири бор-да. Оғриқ жамият танасига кўчи мадда боилади. Юз йил олдин жадид боболаримиз ҳам ўз асарларида бу кўрқинчли мактанчоқликни аёвсиз танқид қилишган... Чунки халқ фаровонлиги, хонадонлар осойишталиги билан боғлиқ муҳим муаммо эди бу. Пул толиб ақл топмаган айрим доврқубозларга эргашш, ҳавас қилиш ҳам аслида жоҳилликдан бошқа нарса эмас.

Энди ён-атрофимизга бир қарайлик, бизнинг мактанадиган нарсаларимиз кўп-ку... Боғларимиз бор, гулу гулзор гузарларимиз бор, чирой очаётган шаҳарларимиз, қанча-қанчалаб уй-жойларимиз бунёд бўлаёпти. Темир йўллар, ҳаво йўлларимиз бизни дунё билан боғлаётти. Ўшларимизни қаранг: илм-фан, санъат, спорт ва барча жаҳонларда шаънамизни юксакларга кўтариб бераёпти. Шундай халқ арзиманган майда мактанчоқлик, ҳашамли иморат, дабдабали тўй эвазига ўзимни кўз-кўз қиламан, деган кимсаларнинг баъканча қилиқларини удумга айланишига йўл қўверадимиз? Донишмандлар айтиди: "Дунёнинг барча ташвишлари боланинг бир томчи кўз ёшига арзимайди". Шундай экан дунёнинг барча тўйларининг дабдаба доврқулари тўйдан кейин муқаддас оила вақиларининг бир томчи кўз ёши, ҳасратига арзимиркин?

Хуллас, бугунги давра сўхбатимиз жамиятнинг оғриқли муаммоси — қушқондан чиқиб, иллатга айланган исрофгарчилик, айрим тўйларимизнинг ўта беъмани, айтиш жоизки, уятли маросимга айланганлигини айтиш ҳақида. Хўш, бу борада хурматли зиёлиларимиз, ижод аҳли, маҳалла фаоллари, давраниш иштирокчиларининг фикрини билмокчи эдик.

Махдум ТОИР, Ўзбекистон Халқ шоири:



— Топганинг тўйга буюрсин, деб кексаларимиз дуо қилишади. Халқ бой бўлса — давлат бой бўлади. Халқ бой бўлса яхши кунни кўп бўлади. Лекин ана шу яхши кунни кўр-қўрона, тўқликка шўхлик билан ўтказмаслик, топилаётган маблагнинг қадрига етмасдан, уни елга, ҳавога со-вуришининг олдини олиш учун энг катта ҳара-кат тўйларимизни жиловлашдан, тўйларимизни замон талаби даражасида (замон талабики — бу ақл талаби, тафаккур талаби. Замон талаби деганда маънавият талаби, иймон-этиқод талаби деган гапларни тушуниш керак) ўтказиш керак. Ахир, ота-боболаримиз йўқ бўлса сабр, бор бўлса шукр қилган. Хозиргиларчи, бугун қўлимда маб-лаг бор, мен топяман, мен зўрман, қандай хоҳласам шундай тўй ўтказаман қабилида иш юрляпти.

Чиллаки чиллакини қўриб чумак уради, дейди халқимизда. Масалан, битта синфда ўттизта бола ўқиса, битта курсда қирқта бола ўқиса, уларнинг ота-онаси турлича яшайди, турли даражада пул топади, лекин яхши топадигани, омади келгани пулини елга совириб турса, албатта, унинг ёнида-гилар ҳам ота-онасидан талаб қилади. Ўшларимиз шу даражага бораёптики, "нега сиз олиб бермайсиз, мен кимдан камман, дугонанинг ёнида ким деган одам бўламан", деб ота-онасини чоғга етакляпти.

Йўқки гуруч ош бўлур меҳмон кўнгли хуш бўлур, деган ҳикмат бор. Жиндек нарса билан одамнинг кўнглини олиш мумкин. Қаранг, тўйларда қўйлаётган барча таом-лар учун миллион-миллионлаб пул сарфла-няпти, лекин тўйдан кейин столга қаранг ҳаммаси сарқит. Қўл урилмагани ҳам сарқит-га айланган. Бу ачинарли ҳолат.

Ҳазолий бобомизнинг ўғитлари бор. "Ҳалолнинг харидори бўлинглар. Унинг кўрениши қилча бўлиши мумкин, лекин ил-дизи тоғча бўлади. Харомнинг кўрениши тоғча бўлиши мумкин, лекин унинг ил-дизи қилча бўлади".

Мана шундай кўрениши тоғдай дабдаба-ли, исрофгарчилик билан ўтказилган тўйлардан кейин бир ой ёки икки ой ҳам яшайди ақралиб кетаётган оилалар ҳам кам эмас. Бу нимадан келиб чиқяпти? Ҳазолий бобомиз айтгандай, ҳалолнинг харидори бўлмаганидан келиб чиқяпти.

Болаликда тўйларга бориб ош еёлмай қайтиб келган кунларимиз бўлган. Тўйлар-

да бир патнисга нон, тўртта майиз ва ош солиб, бир неча кишининг олдига қўйилар-ди. Одамлар шунга шукр қиларди. Бир неча хил овқат деган нарсалар бўлмасди. Лекин ўша пайтларда оилаларда ажралишлар бундай бўлмаган. Мустақкам бўлган. Чун-ки одамларда иймон, эътиқод му-стақкам бўлган. Улар бир бурда ноннинг қадрини билган. Нега тир-ноқча ушқоқ ерга тушса ота-боболаримиз кўзига суртиб тозалаб егану, нега биз да-стурхондаги нозу неъматни тўйдан кейин ах-лат қутиларига ташляпмиз. Бу тўқликка шўхлик натижасидир.

Биз қалам билан ризқ-насиба топаётган одамлар ўтмишимиздаги сабоқлардан кели-б чиқиб, миллатимизнинг руҳига соя со-лаётган, ёшларимизни нотўғри йўлларга, бели оғримасдан нон ейишга, нарвоннинг тепасига чиқиб кетишга, қанотсиз учиб юришга ўргатаётган нарсалар сароб экан-лигини тушутиришда, ёшларимиз қалби-га ишонч, инсоф солишда бир-биримизни қўллаб-қувватлашимиз зарур.

Фатхулла МАЪСУДОВ, Ўзбек миллий академик драма театри директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист:



— Шукрлар бўлсинки, тинч ва гўзал замонда яша-япмиз. Мустақиллигимиз-нинг 26 йиллиги тўйи ара-фасида турибмиз. Жаннат-монанд юртимиз тўйларга, катта байрамларга тўла. Бунинг ҳаммаси тинчлик-осойишталикнинг махсули-дир. Бу неъматнинг қадри-га етишимиз керак. Бир нарса ҳақида жид-дий ўйлаш керак. Бундан бир неча йиллар аввал тўйларимиз қандай бўлган? Бир неча асрлар аввалчи? Биз ўзбек халқи шукрона-ликни севадиган, камсуқум, олижаноб, мард ва ҳалол миллатимиз. Тўйларга кела-диган бўлсак, дабдабалик ҳам меъёрида бўлиши керак. Тўйларнинг камтарона, кам-харжроқ ўтгани катта ютуғимиз. Кимўзарга тўй қилиш, ким ўзарга дастурхон ёзиш, санъаткорларни чақириб тўйни шоу базмага айлантириш билан обрў қозониш аҳмоқгар-чиликнинг ўзгинаси. Энг ёмони исрофгар-чилик. Яратган берган неъматларни қадр-лаб, дабдабаликдан қочган яхши. Дастур-хонга ноз-неъматларни тўйдан қилиш, санъат-корларнинг навбат талаби тўйларда иш-тироқ этиши бу ҳаммаси исрофгарчилик. Миллатимизда исроф доимо қораланган. Ахир, биз киммиз? Ўзбекмиз. Шунинг унут-майлик. Кибр, риё — кераксиз дабдабалар ҳеч кимга керак эмас. Оллоҳ берган барча неъматларнинг қадрига етиб юртимизга ҳалол хизмат қилайлик. Инсон қилган тўй-нинг дабдабаси билан баҳоланмайди. Ин-сон қилган хайрли амаллари билан баҳола-нади. Биз баҳоланиш учун яшамайлик. Тўғри ва ҳалол яшайлик. Ва ҳалолликнинг қадри-га етайлик. Дабдаба, исрофгарчилик бор жойда ҳеч қачон фойз-барак бўлмайди.

Ешлигимиздаги тўйларда дастурхонлар тўқин бўлмасди. Ҳамма топган-тутганини дастурхонга қўярди. Хатто дастурхонларни безатишга қариндош-уруғ, қўни-қўшнилари қарашар эди. Барчаси аҳилликда, бирдам-ликда ўтар эди. Баъзи жойларда ҳам шун-дай ҳолатларни кўрсам болагимиз ёдимга тушади. Оддийлик, камтаринлик, ҳалоллик — фойз-бараканинг асоси, деб бежиз ай-тишмайди.

Каршибой ҲАЛИЛОВ, Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туман "Алпомиш" маҳалла фуқаролар йиғини раиси:



— Ўзбекимиз тўй-томо-шаларни, байрам, тадбир-ларни жуда севадиган халқ. Қавму қариндош, қадрдонларни йиғиб, ўй-наб-кулса, шоду хуррамлик қилса кўнгли тоғдек кўта-рилиб юради. Агар эъти-бор берсак, баъзан имко-нияти чекланганроқ бирор киши оддийгина, камхар-жроқ тўй қилса "Камбагал-нинг тўйи жуда зўр бўлди-да, мазза қилиб ўйнаб-қулдик", деб кўпчилик эътироф эта-ди. Аслида одамлар учун дастурхондаги бе-ҳисоб нозу неъматлар, тўй давомида амал-га ошириладиган бир қанча янгидан кириб келаётган нағмаю наволардан кўра дийдор, бир-бири билан ширин сўхбатда бўлиш, вақтичоғлик қилиш муҳим. Серхаражат, бўлмагур хар хил одатлар, дабдабаларни эса пулини қаёққа сарфлашни билмайдиганлар ўйлаб чиқаряпти. Уларга кўр-қўрона эргашши, кўрпага қараб оёқ узатмаслик оқибатида қарз ботқоғига ботиш каби ҳолатлар кўп учрайди. Ана шу масалада айни кунларда маҳалламиз фуқароларига ту-шутириш ишларини олиб бораёпти. Тўй қилишдан асосий мақсад дастурхонни кўз-кўз қилиш, тўйнинг доврўғини ҳамма ёққа овоза қилиш эмас-ку! Одамларга ихчам ва камхаражат тўй билан ҳам меҳмонларнинг кўнглини олиш мумкинлигини, муҳими, тад-бирларимизни самимийлик ва очиккўнгли-лик билан уюштиришимиз лозимлигини уқтиришга ҳаракат қилляпмиз. Бунинг учун махсус тўй комиссиялари туздик. Тўй бош-лаб қўйган фуқароларимизни, яъни келин-кўвларнинг ота-оналарини маҳаллага чақи-риб, тўйни дабдабадан узоқ, меъёрида ўтказишга келишиб оляпмиз. Ихчамлашти-рилган тўй тўфайли ортиб қоладиган маб-лаг бўлса, уни келин-кўвнинг кам-қўстига ишлатиш керак, деган фикрни ўртага таш-



ляпмиз. Бу кўпчилик ота-оналарга маъқул келяпти. Муҳими, бу йўл билан тўйдан кейинги баъзи бир жанжалларнинг ва катта миқдордаги қарздорлик ҳолатларининг ол-дини олиш мумкин бўлади.

Барно РҲИЗИЕВА, "Наврўз" никоҳ уйи мудараси:



— Тўйлар халқимизнинг маънавий юксалишида қан-чалик ижобий роль ўйна-масин, уни ўтказиш билан ҳеч кимга керак эмас. Оллоҳ берган барча неъматларнинг қадрига етиб юртимизга ҳалол хизмат қилайлик. Инсон қилган тўй-нинг дабдабаси билан баҳоланмайди. Ин-сон қилган хайрли амаллари билан баҳола-нади. Биз баҳоланиш учун яшамайлик. Тўғри ва ҳалол яшайлик. Ва ҳалолликнинг қадри-га етайлик. Дабдаба, исрофгарчилик бор жойда ҳеч қачон фойз-барак бўлмайди.

Яқинда ўта ҳашамдор тўйга гувоҳ бўлдик. Шу даражада ҳашамдорки тўй эгаси тўйхо-нани ўз дидига мослаб қайта қурдиргандек гўё. Абсуски, бир неча ойдан сўнг икки ёш ажрашди. Тўйга кетган шунча сарф-хара-жат қаерга кетди? Тўй бошладингизми, юртдошим, муборак бўлсин! Халқимизнинг энг яхши тилаги ҳам, дуолари ҳам тўйларимиз билан боғлиқ. Биз бир-биримизга яхшилик тилайдиган халқмиз.



Бугун тўйларни ўтказишга ФХДЭ орган-лари ҳам жавобгар... Жумладан, тўйларни ихчамгина ўтказиш, сарф-харажатларни шаҳсан назорат қилиш, икки юз кишидан иборат ҳолда ўтказиш, келин-кўвга турли китоб совға қилиниши зами-рида катта маъно бор. Шу маъно-да ҳозирда ФХДЭ мударалари тўйларни ўтказишда маҳалла фуқ-аролар йиғини билан ҳамкорликни йўлга қўйдик. Шу билан бирга тўйлар-ни ихчамлаштириш борасида тарғибот тадбирларини олиб бормоқдамиз.

Гулчеҳра ТҲЛАГАНОВА, Тошкент давлат юридик университети профессори:



— Хар бир ўзбек хона-донни яхши тўй қилсам, фарзандларим бахтли бўлса, деб оруз қилади. Ота-она тахт яратиши мум-кин, лекин бахт ярата ол-майди. Ҳақиқатда инсон дунёга келиши фақат тўй учун эмас, балки жамиятга бахт-саодат келтиришга ҳаракат қилади. Бироқ ҳозирда тўйларимиздаги дабдабани, ман-манлики қаранг. Айниқса, келин-кўвларга кимўзарга қилинаётган қимматбаҳо сарпо-селлардан хайратга тушасиз. Ўзи зўрга ой-лик маошга кун кўраётган айрим инсонлар бунинг уддасидан қандай чиқаяптикин? Балки қарз-қавола қилаётгандир? Аммо бу қарзни узгунча навбатдаги маросимлар, бе-шик тўй, ақича тўй, суннат тўй... бу занжир-ни узоқ давом эттириш мумкин.

Назаримда, бундай салбий ҳолатларнинг олдини олишда фуқароларнинг маънавия-тини янада юксалтиришимиз ва ҳуқуқий ма-даниятини ошириш даркор. Маълумки, хар қандай ишда мўътадиллик ва меъёр ҳами-ша маъқулликни келинган. Ҳаддан ошиш-лик, исроф, манманлик каби иллатлардан сақланишимиз зарур. Никоҳ тўйи одатда инсоният муносабатларидан бири бўлган ке-лажак оилани раъзий эълонидир. Қуш икки қанотсиз учолмайди. Бир қаноти моддий, иккинчи қаноти маънавиятга бой бўлса, шун-дагина қуш баланд парвоз қилади. Энг му-ҳими, қўйидаги ҳолатларга эътибор қара-тишимиз зарур.

Тўйларга чақирилган меҳмонларни ихчам-лаштириш; санъаткорлар сонини қисқарти-риш; тошкентликларда удум бўлган кўвнинг уйини жиҳозлаш; келин салом, чаллари, куда чақирик, чиллагузарон, қиз зиёфатларини йўқ қилиш, бунинг қонуний чеклаш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги кета-диган харажатлар фарзандларининг кела-жак ҳаёти, ёш оиланинг оёққа туриб олиши учун сарфланса мақсадга мувофиқ бўлар-ди.

Одилхон қори ЮНУСХОН ўғли Шайхонтоҳур туман бош имом-хатиб:



— Ҳаётда ҳаммамиз кўп бўлмасамиз ҳеч бўлмаганда бир марта шундай ҳолат-ларга гувоҳ бўлганмиз. Тўйхонага оппоқ либослар-да шахзодаю малика бўлиб келин билан кўвга кириб кели-шади. Келин салом қилиш мақсадида бир оз эгилар экан, ҳижолатдан катталарнинг нигоҳи ерга қадалади. Атрофдан: "Жуда очик кийинибди", "Этагини узун қил-гандан кўра елкасига ташласа бўлар экан", деган дашномлар қулқоқча чалинади. Келин-кўв тўрдаги ўриндиқларга бориб ўтири-шади. Кўв креслода ястаниб ўтирар экан, худди "Мана кўриб қўйинлар, менинг ма-ликаманни", деяётгандек. Журалар, хатто тўйга келган ақсар эркекларнинг нигоҳи шох-супада "малика"лардай ўтирган хушсурат ке-лингга қадалган...




Келин юзини очиб, бемалол ўтирди. Ле-кин харир парда ортидаги чеҳрани, бу но-зик вужудни кўз-кўз қилиш асло мумкин эмас. Кетма-кет келган таниқли хонандлар қўшиқларидан давра дискотека зали-га айланди-қолди. Хатто келин-кўвни ҳам даврага олиб чиқиди. Ҳинд сериалла-рида қўйланадиган қўшиқча ҳамонанг келин-кўв вальсга тушишди. Бу манзарани қандай изоҳлаш мумкин?! Ҳамманинг на-зари икки ёшда. Атрофни ўраб олган йи-гитларнинг қий-чуви... Сўнг келин отаси билан, кейин қайнотаси билан ҳам рақсага тушди... Қани шарқона одоб-ахлоқ, иб-о-ҳаё?! Бунинг оддий ҳолатдек қабул қилаёт-ганларнинг орияти, жамияти қаерда қолди? Оила жамиятнинг бир бўлаги. Оила тўқис бўлса — жамият фаровон. Оила даромади жамият бойлиги билан чамбарчас боғлиқ. "Пул меники, қандай хоҳласам, шундай сарфлайман. Истасам — дабдабали тўй қиламан, истасам — дангиллатиб уй сола-ман", деб ҳисоблайдиганлар бор. Улар бойлик ҳавойи орзулар учун совириш охи-роқибат ўзларига зиён эканини наҳотки бил-майдилар?! Исроф динимизда қаттиқ қораланган. Қуръони каримда исрофнинг зарари, исро-фгарнинг мазаммати ҳақида бир неча оятни қарималар бор. Аллоҳ таоло айтиди: "(Бахиллик қилиб) қўлнингизни бўйинингизга боғлаб ҳам олманг. (Исрофгарчилик қилиш билан) уни бутунлай ёйиб ҳам юборманг! Ақс ҳолда, маломат ва маҳрумликда ўтириб қолурсиз".

Лекин таассуфлар бўлсинки, бугунги қан-га келиб ақсарий ҳолларда исрофдан сақ-ланишга эътибор бермаймиз, исрофгарга айлиб қолаётганимизни сезмаймиз. Дея-рий кўп нарса, у қимматли ёки арзон, аҳамиятлими ёки аҳамиятсиз, нодирми ёки сероб, олди-кегина қарамай бирварақайи-га исроф қилиняпти.

Ҳазрат Навоий "Ўт иши — қовурмоқ, ел иши — соғурмоқ", дейдилар. Яна дейди-ларки: "Исроф саҳо эмас ва итлофни (йўқ-тиш, барбод қилишни) маъно аҳли саҳо де-мас". Яъники, исроф қилиш — саҳийлик эмас, ўринсиз совиришни ақли одамлар саҳийлик демаслар. Ҳалол молни куйди-рганни девона дерлар. Еруғ жойда шамъ ёққани ақлдан бегона дерлар.

Худо молига қилмоқ исроф не? Жунун ахлидек муна итлоф не? Исрофда мол-ашё ҳам иззатлидир. Мол-ни исроф қилган, талафот берган жазоси-ни олади. Аллоҳ таоло бизга молу дунё ато этган эканими, уни исроф қилмасдан, бахил-лик ҳам қилмасдан, меъёрида ишлатсақ, меъёрида саховат қилсак, бировага муҳтож бўлиб қолмаймиз, қарзга ҳам ботиб қол-маймиз, юзимизнинг суви ҳам тўқилмайди иншооллоҳ...

Бугунги давра сўхбатига тўй мар-росимлари билан боғлиқ айрим нуқ-сонларини тилга олдик ҳолос. Хулосамиз шу бўлдики, меъёрни унут-маслик зарур. Меъёр бор жойда тар-тиб, осойишталик бўлади. Исрофдан



қочиб керак. Манманликка дарвоза-мизни очмаслик, дабдабаликни касб билмаслик зарур. Эҳтимол, биргина давра сўхбати билан тўйларни ихчам-лаштириш, айрим инсонлар қалбида-ги такаббурлик, манманлик тўйгу-ларини сўндириб бўлмас. Тўйларни тар-тибга солиш кўпчиликнинг фикри-қарашига айлиниши керак. Аниқроғи, бу борада хар бир инсон, хар бир оила тўғри хулоса чиқариши лозим. Шу боис ушбу мавзудаги чиқишлар-ни яна давом эттирамиз. Айниқса, ҳуқуқшуносларимиздан ушбу мавзу-нинг қонуний ечимлари борасида фикр-мулоҳазаларини кутиб қоламиз.

"Инсон ва қонун" муҳбири Дилфуза ЭРГАШЕВА ёзиб олди.

Обуна

Адлия нашрлари — 2018!

Хурматли ўқувчи! Сиз яхши биласиз. Ҳар қандай нашр мазмун-моҳияти, энг аввало, Сизнинг талабларингиз, Сизнинг маънавий эҳтиёжингиздан келиб чиқиб ўз ўрнини топади. Маъбуот бу — минбар. Жумладан, адлия нашрлари ҳам шу ақидага амал қилади. Мамлакатимизда чоп этилаётган ҳар қайси нашрнинг ўз йўли, ўз йўналиши, ихтисослашуви бор, албатта. Лекин уларга қўйилаётган, улардан сўраладиган талаб битта — бу ҳам бўлса ўз обунасига нима беради, уларнинг ишончини оқлай оладими, улар обуна учун сарфланган маблағи учун норизо бўлмайди, э-ей, келиб-келиб шу нашрга обуна бўламани, деб ўқинмайдами? Бу саволлар қаршида бир нашр ва уларнинг раҳбарлари ер чиғиб қолмаслиги керак. Адлия вазирлиги муассислигида чоп этилаётган "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетаси, "Ҳуқуқ ва бурч" журнали ҳамда "Ўзбекистон Республикаси қонун

ҳужжатлари тўплами", "Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами" каби нашрлар, энг аввало, юртимиз фуқаролари билан қонуний масалалар юзасида содда ва раво тилда, халқчил тарзда мулоқотга киришаётган нашрлар ҳисобланади. Энг муҳими, юртошларимизнинг ҳуқуқий мавзулардаги ҳаётий саволларига бефарқ бўлмаган "Инсон ва қонун" газетаси ва "Ҳуқуқ ва бурч" журнали саҳифаларида инсон манфаатлари ҳар нарсадан устун тамойилида қатор таҳлилий мақолалар чоп этилмоқда. "Инсон ва қонун" газетаси ва "Ҳуқуқ ва бурч" журнали, "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", "Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами" сингари нашрларимиз ҳуқуқий маданият тушунчасини янада юксалтиришга ҳизмат қилади. **Обуна бўлинг!**



Қилмиш — қидирмиш

Ҳурмат қилсанг ҳурмат топарсан...

ОДАТДА халқимиз ўзаро муносабатда ҳушумола, одоб-ахлоқ қоидаларини юқори тутишди. Бундай инсонлар ҳаммаша ҳурматга сазовордир. Аммо ора-мида кўпол, жанжалкаш, бунинг устига тилига эрк бериб, бўлмағур гапларни айтадиганлар ҳам учраб туради. Инсон шайни, кадрини эрга уриб, ҳақорат қилишдан тийишмайди. Бундай қимсалар динимизда ҳам қаттиқ қоралangan. Шунингдек, бу каби қилмишлар учун қонунда жавобгарлик белгиланган. Санжар Уроков (исм-шарифлар ўзгартирилган) муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса-да, хулоса қилармаган экан. Гап шундаки, у шу йил 11 апрель куни кечга томон Сирғали

тумани Қурувчилар мавзесида яшовчи айёничи уйига бориб арзиманган нарсага жанжал чикқарди. Бу ҳам етмагандек, уятли сўзлар билан ҳақоратлади. Табиийки, аёл жанжалкаш шайхга қонуний чора кўришини сўраб, ички ишлар бошқармасига ариза билан мурожаат қилди. Унинг аризасига бинноан ҳуқуқбоз зарга нисбатан тегишли ҳужжат расмийлаштирилди. Суд ҳуқуқбозарликка оид ишни кўриб чиқиб, жавобгарлиги аёл ҳуқуқини ҳимоя қилди. Тилига эрк берган қимсага энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорда жарима жазоси тайинланди. Ҳақима Собирова ҳам муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилган. У "Ча-

рогон" МФЙ посбони хонасига кириб келиб, Ж.Ақбаровнинг шайни ва қадр-қимматини камситадиган ҳақоратли сўзлар айтган. Шундан сўнг жабрланувчи ариза билан мурожаат қилиб, Ҳ.Собировага қонуний чора кўришини сўради. Суд тарафларнинг кўрсатмаларини эшитиб, маъмурий иш ҳужжатларини ўрганиб чиқди. Ҳуқуқбозар тўғрисида ҳақорат қилганлиги учун энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорда жарима жазосига тортилди. Динара, Малика ва Севаралар ҳам маъмурий жавобгарликка тортилди. Гап шундаки, улар бир-бирларига уяли телефон орқали уятли сўзлар ёзилган смслар юбориб, ҳақорат қилган. Суд ҳуқуқбозарларнинг ҳар бирини энг кам иш ҳақининг 20 баравари миқдордаги жарима билан жазоледи. Ана шундай ноҳушликлар бўлмастгиси учун ўзаро мулоқотда ҳушумолада бўлиб, ҳаммаша одоб-ахлоқ қоидаларини унутмаслик лозим.

Шўхрат ИНАГАМЖОНОВ, Тошкент шаҳар Сирғали туман маъмурий судининг раиси

СУВ ВА ДАРАХТ...

Ўқтумир

БУЛОҚ ва дарахт бўлган экан. Улар ёнма-ён экан. Булоқ эндигина кўз очган, шўх-шўх қайнаб чиққан сувлари кичкина ариқча ҳосил қилган экан. Ниҳол эса нозиканина, сал шамол турса, бутун танаси чайқалиб-чайқалиб кетаркан. Орадан ойлар ўтибди. Булоқ суви катта ариқни тўлдириб оқа бошлади. Ниҳол ҳам кўкка буй чўзиб, сарқоқмат дарахтга айланбди. Бу эрдан ўтган йўловчилар дарахтнинг соясида дам олиб, булоқнинг тиниқ сувидан ичишаркан. Кетаётганларида эса: — Зап қоматдор дарахт бўлибди, — деб мақтаб кетишаркан. Бу гаплардан дарахтнинг димоги кўтарилди бошлабди. У ҳатто суви менсимай қўйибди. — Агар бу ерда мен гуркираб турмаганимда, ёнингда ким ҳам тўхтарди? На соянг бор, на ҳуснинг, — дебди дарахт сувга. Сув хафа бўлиб кетибди-ю, индамабди. Кунлардан бир куни:

— Мен борманки — ҳаёт бор! — деб қолибди дарахт яна. Сув ортик чиқолмабди ва ўз оқимини ўзгартириб юборибди. Шундан сўнг дарахт илдизларига бир томчи ҳам сув келмай қўйибди. Дарахт бунинг бир-икки ҳафта сезмай мағрур тураверибди. Аммо кўп ўтмай танасида қандайдир ўзгариш бўлаётганини, аъзои бадани бўғилиб бораётганини сеза бошлабди. Қараса, сув оқимини ўзгартирган экан. — Наҳотки у менга қувват бериб турган бўлса? — ўйлабди дарахт. Унинг ахвали тобора ёмонлашаверибди, япроқлари қовжираб, тўқила бошлабди. Охири у сувнинг зарурлигини, тирикликнинг кучи ҳамкорликда эканини тушунибди. Шундагина сув яна эски йўналиши бўйлаб оқа бошлабди. Киссадан ҳисса шуки: олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ. Ҳар бир неъматнинг қадрига етиш, шукроналик қилиш керак...



ОРАГА ДЕВОР ТУШМАСИН

АКА-УКА оталаридан қолган ховлида кун кечиршиларди. Бир тушунмовчиллик сабаб ораларига совуқчилик тушди, гаплашмай қўйишди. Кунлар ўтгани сари ўртадаги жарлик катталашиб борарди. Оқир-оқибат ховлининг қарама-қарши томонларига уй солиб яшай бошлашди. Бир куни ақанинг эшиги тақиллабди. Остонада катта ёшлардаги одам турарди: — Мен устаман, иш қидириб юрибман. Балки ховлингизда менбоп юмуш топилиб қолар, — деди. — Ха, албатта! Ховлини кесиб ўтган ариқни кўряп-сизми? Ўтган ҳафтада укам қавлатди, ўзинча ховлини ажратиб, ерни чегаралаб қўйди. Бу ерда етарлича тахта бор, — деди омондорасига ишора қилиб. — Сиз ховлини буткул ажратиш учун ўша ариқ бўйлаб тўсиқ қуриб беринг. Уста дарҳол ишга киришди. Тахталарни олиб чиқди,

ўлчаб кесди, рандалади. Бу орада оҳорли кийимларини кийиб олган ака уйдан чиқиб келиб сўради: — Мен бозорга кетяпман. Тўсиқ учун яна бирор нарса керак эмасми? — Раҳмат, ҳамма нарса етарли, — жавоб берди уста. Кечга яқин шаҳардан қайтган ақанинг жахли чиқди. Чунки уста ариқ устига кўприк қуриб қўйганди. — Мен сизга тўсиқ қуриб, дегандим-ку! — деди газаб билан устасга қараб. Уста жавоб бериб улгурмасидан, уйдан чиқиб кўприкни кўрган ака улар томонга юра бошлади. Ақанинг хоҳиши билан қурилди деб ўйлаб, хурсанд бўлди. Шойиб кўприқдан ўтди ва ақанини қучоқлади. Ариқ қаздиргани, кўпол муомаласи учун уэр сўради. Бирпасда икковлари сўхбатга киришиб кетишди. Бу орада анжомларини йиғиштириб, кетишга ҳозирланаётган устасга "Шоцилманг, меҳмонимиз бўлинг", деб тақлиф қилди ака. У эса: — Раҳмат, қололмайман. Мен хали жуда кўп кўприклар қуришим керак, — деди табассум билан а йўлида давом этди... **Нигора НЕЪМАТ қизи**

ТАШҚИ КЎРИНИШ

ИСОННИНГ гавҳари қалбда бўлади. Ташқи кўриниши доим ҳам қалбини изҳор қилавермайди. Бирок негадир инсоннинг ташқи кўринишига қараб муомала қилишга одатланганмиз. Бу эса базъида бизларни хиқолатга ҳам солиб қўяди. Нафақат бугунги кунда, балки қадимдан бери кишининг ташқи кўринишига қараб баҳо бериш бор. Валийлик макомига етган машҳурлар кийимга қараб ҳурмат қилинганларида тўнини ушлаб: "Ол, тўним! Е, тўним!" деганларини ўқиганимиз ёки эшитганимиз. Бундай ҳолат ҳозир ҳам давом этиб келмоқда. Ҳатто, ташқи кўриниш бизнинг шартларидан бериб айлангани ҳам маълум. Нима ҳам дердик, бу ҳам замон талаби десак, аждоқлар давидан қолган аънава экан. Шароитга қараб муроса қилишга тўғри келади. Умуман

олганда, маданиятга қараб кийиниш одоб меъёрларидан эканлигини инкор қилмаймиз, лекин унутмаслик кераки, оддий кийимнинг ичида ҳам олижаноб қалб соҳиблари бўлиши мумкин. Шайх Али Тонтовийни Ироқдаги бир университетга адабиёт ўқитувчиси этиб тайинлашди. У дарсга киришдан олдин Бағдод кўчаларида анча вақт пиёда айланиб сайр қилди. Дарсга кириб келганида уст-боши чанг бўлиб кетган, хонада эса бошқа бир ўқитувчи талабаларга дарс ўтаётган эди. У анча кўпол муомалалик инсон эди. Инчунун шайхни ҳам талабалардан бири деб ўйлаб дўқ қилди: — Эй эшак! Нега дарсга кеч қолдинг? Шайх Али камоли одоби ила ирдан уэр сўраб, биринчи қатордаги

талабалар ёнига бориб ўтирди. Ўқитувчи гапини келган жойида давом эттирди: — Тез орада сизларга дарс бериш учун йирик адиб, машҳур шоир Али Тонтовий келади. Унинг олдида юзимни ерга қаратиб бўйманглар. Кейин улардан баъзи нарсалар ҳақида сўрай бошладилар. Шайх Али ҳам бошқалар каби оддий талабадек жавоб бера эди. Ўқитувчи унинг зук-қолиғидан ажабланди ва: — Аббосийлар ҳукмронлиги давридаги энг машҳур шоирлардан Ал-Бухтурий ва Абу Тамом ижодини қийслаб бера оласанми? — деб савол берди. Шайх жуда чиройли тарзда, муфассал жавоб берди. Ўқитувчи ҳайратга тушиб: — Сен янги талабага ўхшайсан, исминг нима? — деб сўради. — Исмин Али Тонтовий, — жавоб берди шайх. Ўқитувчи бу жавобдан ҳушидан кетаёзди.

Энг гўзал нарса....

МАШХУР бир рассом, кунларнинг бирида дунёнинг энг гўзал нарсасини чиқишга қарор қилди. Бунинг учун дунёнинг энг гўзал нарса нима бўлиши мумкинлиги ҳақида билим тўплаш учун катта бир саёхатга чиқди. Кишлоқ кўчаларидан кетаркан, бели бўкилган кекса киб одам йўл чеккасида ўтирганини кўрди. Ёнига бориб ундан дунёдаги энг гўзал нарса нима бўлиши мумкинлиги ҳақида сўради. Чол ҳеч иккиланмасдан: — "Имон!" деди. Сўнгга, бир сўзлардан ўтаркан, тўй учун тўпланган оломон қаршидан чиқиб қолди. Оломон орасидаги ёш келинга: — "Сизнингча, дунёнинг энг гўзал нарсаси нима?", дея сўради. Келин куёвнинг кўзларини ичига қараб:

— Агар дунёдаги энг гўзал нарса бўлса, у ҳам севи бўлиши керак!", деди. Рассом йўлида давом этди. Бир чанг кўчадан ўтаркан, урушдан қайтаётган хоргин бир аскарга дуч келди. Айни саволни ундан ҳам сўради. Аскар: "Дунёдаги энг гўзал нарса бу тинчликдир" дея жавоб берди. Рассом дунёдаги энг гўзал нарсалар имон, севи ва тинчлик бўлса буларнинг ҳаммасини бир расмда қандай ифодалай оламан, дея ўйлай-ўйлай уйига қайтиб келди. Уйининг эшигидан уйига кириши биланок дунёнинг энг гўзал манзараси доимо қаршида бўлганини тушуниб етди. Болаларнинг маъсум қарашларида имон, айёлининг кўзларида севи, уйда эса тинчлик ҳужж су-рарди. Булардан олган илҳом билан рассом дунёнинг энг гўзал нарсасини чиқишга киришди. Ва расм бити-ши билан, асарга шундай ном берди: Менинг оилам . . . !!!

ASAKA BANK advertisement for 'MUSTAQILLIK - 2017' campaign. Includes bank logo, 'HURMATLI YURTDOSHLAR!' slogan, and a list of branches with phone numbers.